

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**

**«Енгил саноат маҳсулотларини конструкциялаш ва
технологияси» кафедраси**

**ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА**

**«ТИКУВ БУЮМЛАРИНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ»
фанидан**

Услубий қўлланма

НАМАНГАН 2013

Ушбу услубий қўлланма 5540600 - Енгил саноат маҳсулотлари технологияси йўналишлари талабалари учун мўлжалланган.

Тузувчи:

доцент в.б., т.ф.н., Н.Н.Набиджанова

Тақризчи:

Давлатобод ЕСКХК ўқитувчиси С. Азимова

Ушбу тўлдирилган ва қайта ишланган услубий қўлланма «Енгил саноат маҳсулотлари технологияси» кафедрасининг 2012 йил 25 августдаги 1-сонли йиғилишида муҳокама этилди.

Ушбу тўлдирилган ва қайта ишланган услубий қўлланма НамМТИ илмий-услубий кенгашининг 2012 йил 27 августдаги 1-сонли йиғилишида кўриб чиқилиб, чоп этишга рухсат этилди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК- ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Б У Й Р У Қ

Наманган шаҳар

№ _____

« _____ » _____ 2009 йил

Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда иқтисодий ислохотлар амалга оширилишининг 2009 йил I ярим йиллиги якунлари бўйича 2009 йил 4 июль мажлиси Баёнининг 25-банди топшириғи, вазирликнинг 2009 йил 9 июль № 241/1-сонли буйруғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тадбирлар мажмуининг 1.4-банди ижросини таъминлаш, 2008/2009 ўқув йилида мустақил таълим-тарбия жадвали асосида ташкил қилинган махсус тарбиявий курсларни ўқитиш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари таҳлили асосида 2009/2010 йилидан бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларини такомиллаштириш ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 14 август 2009 йилдаги 286-сонли буйруғини ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н :

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 14 август 2009 йилдаги 286-сонли буйруғи ижро учун қабул қилинсин.

2. "Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Йўриқнома" (1-илова) асос учун қабул қилинсин.

3. Ўқув бўлими бошлиғи, факултет деканлари ва кафедра мудирларига:

ўқув режаларига мувофиқ фанлар бўйича бажариладиган мустақил ишлар услубий таъминотини тасдиқланган Йўриқнома талаблари асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш;

талабалар мустақил ишларини бажариш юзасидан тегишли йўлланмалар бериш ва уни бажарилишини назорат қилиб бориш мақсадида ҳафтасига 4 соат ҳажмида консультациялар жадваллари ишлаб чиқиш;

кафедралар томонидан талабалар мустақил ишлари бўйича консультацияларни тегишли фаннинг календар-тематик режасига киритилган ҳолда жадвалга мувофиқ ўтказилиши таъминлаш;

аудитория фонди имкониятларидан келиб чиққан ҳолда талабалар мустақил ишларини бажариш учун махсус хоналар ажратилиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва техник воситалари билан (компьютер, мультимедиа дастурлари, электрон дарсликлар, ўқув адабиётлари, курс лойиҳаларини бажариш учун чизма-ўқув қуроллари (чизмачилик доскаси) ва ҳ.к.) жиҳозлаш;

талабалар мустақил ишларини бажариш бўйича консультацияларнинг жадвалларга мувофиқ ташкил этилиши ва сифати мунтазам ўрганиб борилсин ҳамда натижалари институт Илмий-услубий кенгашида муҳокама қилиниб, уларнинг самарадорлигини ошириш чораларини белгилаш каби вазифалар юклатилсин.

4. Ўқув ишлари бўйича проректор в.б Ж.Эргашевга:

Институтда “Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш тўғриси”даги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 14 август 2009 йилдаги 286-сонли буйруғини келтирилган талаблар асосида бажарилишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ректор:

О.Маматкаримов

Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича ЙЎРИҚНОМА

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида чуқур назарий ва амалий билимлар билан бир қаторда танлаган соҳаси бўйича мустақил фаолият кўрсата оладиган, ўз билими ва малакасини мустақил равишда ошириб борадиган, масалага ижодий ёндошган ҳолда муаммоли вазиятларни тўғри аниқлаб, таҳлил қилиб, шароитга тез мослаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Маълумки, ахборот ва билимлар доираси тез суръатлар билан кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда барча маълумотларни фақат дарс машғулотлари пайтида талабаларга етказиш қийин.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, талаба мустақил равишда шуғулланса ва ўз устида тинимсиз ишласагина билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин. Талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади.

Шунинг учун талабаларнинг мустақил таълим олишларини режалаштириш, ташкил қилиш ва бунинг учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш, дарс машғулотларида талабаларни ўқитиш билан бир қаторда уларни кўпроқ ўқишга ўргатиш, билим олиш йўллари кўрсатиш, мустақил таълим олиш учун йўлланма бериш олий таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Талаба мустақил иши (ТМИ) - муайян фандан ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Ўқишнинг бошланғич босқичларида ТМИни ташкил этиш бир қатор вазифалар билан боғлиқ. Айниқса, биринчи курс талабаларининг таълимнинг навбатдаги тури - олий таълим талабларга кўникиши қийин кечади. Чунки улар таълим олиш жараёнида ўз мустақил фаолиятларини ташкил қилишни деярли билишмайди. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш ва зарурларини ажратиб олиб тартибга солиш, конспектлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифodalаш, ўз вақтларини тўғри тақсимлаш, шунингдек, ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Энг асосийси, улар мустақил таълим олишга руҳан тайёр бўлишмайди.

Шунинг учун ҳар бир профессор-ўқитувчи дастлаб талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, уларни сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориши лозим бўлади. Талабалар томонидан мустақил равишда ўзлаштириладиган билим ва кўникмаларнинг курсдан-курсга мураккаблашиб, кенгайиб боришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ташаббускорлиги ва ролини ошириб бориш зарур. Шунда мустақил таълимга кўника бошлаган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгилаб берилган ишларни бажарибгина қолмай, ўзининг эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда танлаб ўзлаштиришга ўрганиб боради.

Талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги жиҳатлар эътиборга олиниши лозим:

- ўқиш босқичи;
- муайян фаннинг ўзига хос хусусияти ва ўзлаштиришдаги қийинчилик даражаси;
- талабанинг қобилияти ҳамда назарий ва амалий тайёргарлик даражаси (таянч билими);
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражаси;

- талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражаси.

Мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражаси семестрдан-семестрга кўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим. Яъни, талабаларнинг топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб, уларни топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашишга ўргатиб бориш керак бўлади.

ТМИни ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- амалий, семинар ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўриб келиш;
- маълум мавзу бўйича реферат тайёрлаш;
- курс иши (лойиҳалари)ни бажариш;
- битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси учун материаллар тўплаш;
- ҳисоб-китоб ва график ишларини бажариш;
- макет, модел ва бадий асарлар устида ишлаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш, тест, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш;
- илмий мақола, тезислар ва маъруза тайёрлаш;
- амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш;
- уй вазифаларини бажариш ва бошқалар;

Фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда талабаларга мустақил иш учун бошқа шакллардаги вазифалар ҳам топширилиши мумкин. Талабаларга қайси турдаги топшириқларни бериш лозимлиги кафедра томонидан белгиланади. Топшириқлар пухта ўйлаб ишлаб чиқилган ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, талабаларнинг аудитория машғулотларида олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тўлдиришга хизмат қилиши керак.

Мавзуни мустақил ўзлаштириш. Фанинг хусусияти, талабаларнинг билим даражаси ва қобилиятига қараб ишчи ўқув дастурига киритилган алоҳида мавзулар талабаларга мустақил равишда ўзлаштириш учун топширилади. Бунда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва очиқ беришга хизмат қиладиган таянч иборалар, мавзуни тизимли баён қилишга хизмат қиладиган саволларга эътибор қаратиш, асосий адабиётлар ва ахборот манбаларини кўрсатиш лозим.

Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мустақил равишда ўқув адабиётларидан фойдаланиб ушбу мавзуни конспектлаштирадilar, таянч ибораларнинг моҳиятини англаган ҳолда мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлайдилар. Зарур ҳолларда (ўзлаштириш қийин бўлса, саволлар пайдо бўлса, адабиётлар етишмаса, мавзуни тизимли баён эта олмаса ва ҳ.к.) ўқитувчидан маслаҳатлар оладилар.

Мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тайёрланган матн кафедрада ҳимоя қилинади.

Реферат тайёрлаш. Талабага қийинчилик даражаси унинг шахсий имкониятлари, қобилияти ва билим даражасига мувофиқ бўлган бирор мавзу бўйича реферат тайёрлаш топширилади. Бунда талаба асосий адабиётлардан ташқари қўшимча адабиётлардан (монографиялар, илмий, услубий мақолалар, Интернетдан олинган маълумотлар, электрон кутубхона материаллари ва ҳ.к.) фойдаланиб материаллар йиғади, таҳлил қилади, тизимга солади ва мавзу бўйича имкон даражасида тўлиқ, кенг маълумот беришга ҳаракат қилади. Зарур ҳолларда ўқитувчидан маслаҳат ва кўрсатмалар олади.

Якунланган реферат кафедрада экспертлар иштирокида ҳимоя қилинади.

Кўргазмали воситалар тайёрлаш. Талабага муайян мавзунинг баён қилиш ва яхшироқ ўзлаштириш учун ёрдам берадиган кўргазмали материаллар (жадваллар, чизмалар, расмлар, хариталар, макетлар, моделлар, графиклар, намуналар, мусикий асар, кичик бадиий асар ва ҳ.к.) тайёрлаш топширилади. Мавзу ўқитувчи томонидан аниқланиб, талабага маълум кўрсатмалар, йўл-йўриқлар берилади. Кўргазмали воситаларнинг миқдори, шакли ва мазмуни талаба томонидан мустақил танланади. Бундай вазифани бир мавзу бўйича бир неча талабага топшириш ҳам мумкин.

Талаба кўргазмали материаллардан фойдаланиш бўйича ёзма равишда тавсиялар тайёрлайди ва кафедрада ҳимоя қилади.

Мавзу бўйича тестлар, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш. Талабага муайян мавзу бўйича тестлар, қийинчилик даражаси ҳар хил бўлган масалалар ва топшириқлар, мунозарага асос бўладиган саволлар тузиш топширилади.

Бунда ўқитувчи томонидан талабага тестга қўйиладиган талаблар ва уни тузиш қонун-қоидалари, қандай мақсад кўзда тутилаётганлиги, муаммоли саволлар тузишда мавзунинг мунозарали моментларини қандай ажратиш лозимлиги, топшириқларни тузиш усуллари бўйича йўл-йўриқ берилади. Консультация пайтларида бажарилган ишларнинг қўйилган вазифа ва талабларга жавоб бериш даражаси назорат қилинади (қайта ишлаб келиш, аниқлаштириш ёки тўлдириш таклиф этилиши мумкин).

Тест, савол ва топшириқлар мажмуаси кафедрада экспертлар иштирокида ҳимоя қилинади.

Илмий мақола, тезислар ва маърузалар тайёрлаш. Талабага бирон бир мавзу бўйича (мавзунинг талабанинг ўзи танлаши ҳам мумкин) илмий (рефератив) характерда мақола, тезис ёки маъруза тайёрлаш топширилиши мумкин. Бунда талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга тегишли материаллар тўплайди, таҳлил қилади, зарурларини ажратиб олиб, тартибга солади, шахсий тажрибаси ва билими, илмий натижаларига асосланган ҳолда қўшимчалар, изоҳлар киритади, ўз нуқтаи-назарини баён этади ва асослайди. Бунда талаба ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлайди.

Тайёрланган мақола, тезис ёки маъруза кафедрада ҳимоя қилинади.

Амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш. Бир мавзу ёки бўлим бўйича ностандарт, алоҳида ёндашиш талаб қилинадиган, назарий аҳамиятга эга бўлган амалий топшириқлар, ижодий ёндашиш талаб қилинадиган илмий-ижодий вазифалар, моделлар, макетлар, намуналар яратиш вазифаси топширилиши мумкин. Амалий топшириқлар масалани ҳал қилишнинг оптимал вариантларини излашга ва топишга қаратилган бўлиши керак.

Талабанинг қизиқиш ва қобилиятига қараб, унга илмий характердаги топшириқлар бериш, ўқитувчи билан ҳамкорликда илмий мақолалар тайёрлаш ва чоп эттириш мумкин.

Талабалар мустақил ишини самарали ташкил этишда:

тизимли ёндошиш;

барча босқичларини мувофиқлаштириш ва узвийлаштириш;

бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш;

ташкил этиш ва назорат қилиш механизмларини такомиллаштириб бориш зарур.

Мустақил иш топшириқлари муваффақиятли яқунланиши учун қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

мақсад (билимни мустаҳкамлаш, янги билимларни ўзлаштириш, ижодий фаолликни ошириш, амалий қўникма ва малакаларни шакллантириш ва ҳ.к.), аниқ асосланиши;

вазифа ва топшириқларнинг аниқ-равшан белгиланиши;

топшириқларни бажариш алгоритми ва методларидан талабаларнинг етарли даражада хабардор бўлиши;

маслаҳат ва бошқа ёрдам турларининг тўғри белгиланиши (йўлланма ва кўрсатма бериш, мавзунинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш, муаммоли топшириқларни бажариш усуллари бўйича тушунча бериш, айрим муаммоли моментларни биргаликда ҳал қилиш ва х.к.);

ҳисобот шакли ва баҳолаш мезонини аниқ белгилаш;

назорат вақти, шакли ва турларини аниқ белгилаб олиш (амалий семинар, лаборатория машғулоти, консультация учун ёки назорат учун махсус ажратилган вақт; маъруза ёки реферат матни, бажарилган топшириқлар дафтари, назорат ишлари, уй вазифаси дафтари, курс ишлари, тест, мақола, ностандарт топшириқлар, саволлар, мақола, кўргазмалар жихозлар ва ижодий ишлар;

савол-жавоб, бажарилган иш мазмуни ва моҳиятини тушунтириб бериш, ёзма шаклда баён қилиш ва х.к.).

Талабалар мустақил ишини шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

аудиторияда амалга ошириладиган ТМИлари. Ўтилган мавзунинг қайта ишлаш, кенгайтириш ва мустахкамлашга оид топшириқлар бажарилади;

аудиториядан ташқарида амалга ошириладиган ТМИлари. Ўқув дастуридаги айрим мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ва лаборатория ишларига тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий-тадқиқот характеридаги ишлар ва х.к.

Биринчи тур ишлари талабаларнинг назарий ва амалий билимларини ўзлаштириб бориш даражаси, амалий машғулотларга (амалиёт, лаборатория, семинар дарслари) тайёргарлик савияси ва уй вазифаларининг бажарилиш сифатини текшириш мақсадида, одатда, назорат ишлари олиш, савол-жавоб, суҳбат, мунозара, амалий топшириқларни бажартириб кўриш ва х.к. усулларда асосан амалиёт дарсларида назорат (жорий назорат) қилинади.

Жорий назоратда талабанинг дарс пайтида ўтилган материалларни ўзлаштириш ва уйга берилган топшириқларни бажаришдаги фаоллиги, бажариш савияси ва ўзлаштириш даражаси эътиборга олинади.

Иккинчи тур ишлар фаннинг ишчи ўқув дастурида аудиториядан ташқарида ўзлаштирилиши белгиланган мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни мустақил равишда излаб топиш, таҳлил қилиш, конспектлаштириш (ёки реферат тарзида расмийлаштириш) ва ўзлаштириш, ижодий ёндашишни талаб қиладиган амалий топшириқларни бажариш кўринишида амалга оширилади. Бу турдаги ишларни бажариш жараёни ва ўзлаштириш сифатининг назорати дарсдан ташқари пайтларда, махсус белгиланган консультация соатларида амалга оширилади.

Талабалар мустақил ишини баҳолаш. ТМИ натижалари амалдаги «Институтда талабалар билимини назорат қилиш баҳолашнинг рейтинг тизимини тўғрисидаги Низом» га асосан баҳолаб борилади.

**«Тикув буюмлар конструкциялаш» фанидан ишчи дастур бажарилишининг календар
тематик режаси (5-semester)**

Т/р	Модул ва мавзу номлари	Машғу- лот тури	Ажра- тилга н вақт	Талаба мустақил иши мавзуси ва мазмун	Ҳисобот	Бажарилиш и ҳа		Ўқи тувчи имзоси
						Соат	Ой ва кун	
1	Fanning maqsad va vazifasi	ma`ruza	2	Kiyimning tashqi shakli. Kiyimning asosiy siluet va bichimlari				
2	Kiyim haqida umumiy ma`lumotlar	ma`ruza	2					
3	Kiyim funktsiyasi	ma`ruza	2					
4	Kiyim tashqi sakli va konstruksini tahlili.	tajriba	6					
5	Mahsulot klassifikatorida tikuv buymlarining tasnifi va kodlanishi.	ma`ruza	2	Kiyim bichimi				
6	Kiyimning tashqi shakli. Kiyimning asosiy siluet va bichimlari.	ma`ruza	2					
7	Kiyim bichimi.	ma`ruza	2					
8	Kiyim loyihalashda qo`llaniladigan razmer o`lchamlari tahlili	tajriba	6					
9	Kiyim konstruksiyasini aniqlovchi asosiy bellgilar.	ma`ruza	2	Kiyim konstruksiyasini aniqlovchi asosiy belgilar				
10	Sifat ko`rsatkichlari va kiyimga qo`yiladigan talablar.	ma`ruza	2					
11	Kiyim loyihalashda qo`llaniladigan razmer o`lchamlari tahlili	tajriba	6					
12	Sifat haqida tushuncha, sanoat mahsulotlarining sifat ko`rsatkichlari va hossalari	ma`ruza	2					
13	Iste`molchi va texnik-iqtisodiy ko`rsatkichlar	ma`ruza	2	Zamonaviy razmerli tipologiya va katta yoshdagi aholiga mansub razmerli standartlar				
14	Mulyaj usulini qo`llab to`gri yubka konstruksiyasini ishlab chiqish	tajriba	6					
15	Axolini razmerli tipologiyasi va razmerlari.	ma`ruza	2					

	Антропометрик нуқталар.							
16	Tananing o`lcham belgilarini olish uslubiyati.	ma`ruza	2	Kiyim tashqi shakli, sifat korsatkichlari va kiyimga qo`yiladigan				
17	Hisob usulini qo`llab tipaviy qomatga to`gri yubka AK sini qurish.	tajriba	6					
18	Zamonaviy razmerli tipologiya va katta yoshdagi aholiga mansub razmerli standartlar	ma`ruza	2					
19	Bolalar razmerli tipologiyasini tuzilish xususiyatlari	ma`ruza	2	Turli bichimdagi kiyimlarni konstruksiyalash . (reglan, yaxlit)				
20	Aniq qomatga shim konstruksiyasini islab chiqish	tajriba	6					
21	Kiyim tashqi shakli, sifat korsatkichlari va kiyimga qo`yiladigan talablar	ma`ruza	2					
22	Kiyim shakli, konstruksiyasi va material xossalari o`rtasidagi o`zaro bog`liqlik.	ma`ruza	2	Turli yoqalarning konstruksiyasini tuzish xususiyatlari				
23	Aniq qomatga mulyaj usulini qo`llab ayollar kuylagi konstruksiyasini ishlab chiqish.	tajriba	6					
24	Kiyim yuzasining tipovoy bo`laklanishi.	ma`ruza	2					
25	Kiyimning tayanch uchastkalari.	ma`ruza	2	O`tqazma eyng parametrlarini aniqlash. Bir va ikki chokli eynglarni konstruksiyalash				
26	SOTShL (Yanchevskaya) usuli bo`yicha tipaviy qomatga ayollar kuylagi AK sini ort bo`lagi konstruksiyasini hisoblash va qurish	tajriba	6					
27	Kiyim paketiga va material qalinligiga qo`shimchalar. Kompazitsion qo`shimchalar	ma`ruza	2					
Жами: 156 соат								

6-semestr

T/p	Модул ва мавзу номлари	Машғулот тури	Ажратилган вақт	Талаба мустақил иши мавзуси ва мазмуни	Ҳисобот	Бажарилиш и ҳа		Ўқитувчи имзоси
						Соат	Ой ва кун	
1	Belli kiyimlar konstruksiyalash xususiyatlari. Belli kiyimlar bazis to`rini qurish	ma`ruza	2	Belli kiyimlar konstruksiyalash xususiyatlari. Belli kiyimlar bazis to`rini qurish				
2	SOTShL (Yanchevskaya) usuli bo'yicha tipaviy qomatga ayollar kuylagi AK sini old bo'lagi konstruksiyasini hisoblash va qurish	tajriba	4					
3	To'g'ri yubka konstruksiyasini qurish	ma`ruza	2					
4	Ayollar kuylagi maketini ulchamga tayyorlash	tajriba	6	Shim konstruksini qurish				
5	Shim konstruksiyasini qurish	ma`ruza	2					
6	Ayollar kuylagi qomatda maket nuqsonlarini aniqlab bartaraf etishni o`rganish	tajriba	4					
7	Kiyim nuqsonlari. Kiyim nuqsonlarini sinflanishi	ma`ruza	2					
8	Tipaviy figura uchun erkaklar pidjagi bazali konstruksiyasini hisoblash	tajriba	4	Konstruktiv modellashtirish umumiy printsiplari. BK dan foydalanib KMning 4xil usuli				
9	Konstruktiv modellashtirishning umumiy printsiplari	ma`ruza	2					
10	Konstruktiv modellashtirishning umumiy printsiplari	tajriba	4					
11	Baza konstruksiyasini shaklini o`zgartirmay yubka va shimni konstruktiv modellashtirishning usullari	ma`ruza	2					
12	Tipaviy figura uchun erkaklar pidjagi ort bo'lagi bazali konstruksiyasini hisoblash va qurish	tajriba	4	Detallarni konus va parallel kengaytirish, turli sakildagi yubkalarni				
13	Baza konstruksiyasini shaklini o`zgartirmay	ma`ruza	2					

	vitochkalarni va taxlamalarni konstruktiv modellashtirishning usullari			modellash				
14	Tipaviy figura uchun erkaklar pidjagi old bo`lagi bazali konstruksiyasini hisoblash va qurish	tajriba	4					
15	Detallarni konus va parallel kengaytirish, turli sakildagi yubkalarni modellash.	ma`ruza	1					
Жами: 99 соат								

7-semestr

T/p	Модул ва мавзу номлари	Машғулот тури	Ажратилган вақт	Талаба мустақил иши мавзуси ва мазмуни	Ҳисобот	Бажарилиш и ҳа		Ўқитувчи имзоси
						Соат	Ой ва кун	
1	O`qazma englarni KM yeng uchi kengligini o`zgartirish, engni konus va parallel kengaytirish	ma`ruza	2	O`qazma yenglarni KM yeng uchi kengligini o`zgartirish, yengni konus va parallel kengaytirish.				
2	Erkaklar eylkali kiyimi model konstruksiyasini ishlab chiqarish	tajriba	6					
3	Turli shakil va modeldagi yoqalarni konstruksilash	ma`ruza	2					
4	Model eyskizi bo`yicha bel kiyimlarni modelini konstruktiv modellashtirish	tajriba	6	Turli shakil va modeldagi yoqalarni konstruksilash				
5	Kiyim yangi modelini loyihalash ychun texnik taklif	ma`ruza	2					
6	Model eyskizi bo`yicha ayollar kiyimini modelini konstruktiv modellashtirish.	tajriba	6					
7	Kiyim yangi modelini canoatda loyihalash	ma`ruza	2					
8	Kiyim detallariga texnologik ishlov berish yig`ma chizmalarni tuzish.	tajriba	6					

9	Andozalarni ko`paytirish	ma`ruza	2	Andozalarni ko`paytirish				
10	Kiyim detallariga andozalarini ishlab chiqarish. (asosiy andozalari, astar detallari va qotirma detallari andozalari)	tajriba	4					
11	Kiyim yangi modelini tipaviy loyixalash	ma`ruza	2					
12	Kiyim detallariga andozalarini texnik kopaytirish	tajriba	4	Kiyim yangi modelini tipaviy loyixalash				
13	Yangi model uchun texnik xujjatlar ishlab chiqarish	tajriba	4					
Жами: 88 соат								

«Тикув буюмларини конструкциялаш» фанидан рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезонлари
Рейтинг ишланмаси (5-6 семестр учун)

Т/р	Назорат турлари	Сони	Балл	Жами балл
I.	ЖБ 1.1. Тажриба машғулотлари	8	4,5	36
II.	ОБ 2.1. Ёзма иш ёки тест учун	2	10	20
	2.2. Мустақил ишни тайёрлаш	2	7	14
III.	ЯБ 3.1. Якуний баҳолаш 3.1.1. Ёзма иш (3 та савол) 3.1.2. Тест (30 та савол)	1	30 (10x3=30) (30x1=30)	30
Жами				100

«Тикув буюмларини конструкциялаш» фанидан рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезонлари
Рейтинг ишланмаси (7- семестр учун)

Т/р	Назорат турлари	Сони	Балл	Жами балл
I.	ЖБ 1.2. Тажриба машғулотлари	7	5	36

II.	ОБ 2.3. Ёзма иш ёки тест учун	2	10	20
III.	ЯБ 3.1. Якуний баҳолаш 3.1.1. Ёзма иш (3 та савол) 3.1.2. Тест (30 та савол)	1	30 (10x3=30) (30x1=30)	30
Жами				100

«Тиқув буюмларини конструкциялаш» фанидан баҳолаш мезони

- 1.1. Амалий машғулоти топшириқларини тўла мустақил бажарган ва амалда қўллай оладиган талабага 3,5-4 балл, тўла бажармаган талабага бажарилган иш ҳажмига ва сифатига қараб 2,5- 3,4 баллгача берилади.
- 1.2. Амалий машғулотлар бўйича берилган талабалар мустақил ишларининг бажарилиши ҳажми ва сифатига қараб 3 дан 4 баллгача берилиши мумкин (топшириқлар тўлиқ ва сифатли, ижодий тарзда бажарилган – 3,8-4 балл, сифатли ва меъёр талаблари даражасида -3,5-3,7 балл, ўрта даражада -3,1-3,4 балл.
- 2.1. Оралиқ баҳолаш ёзма тарзда ўтказалиб, ундан 3 та саволга жавоб бериши сўралади. Ҳар бир савол 10 баллгача баҳоланади.
 - агар савол моҳияти тўла очилган бўлса, жавоблари тўлиқ ва аниқ ҳамда ижодий фикрлари бўлса – 8,5-10,0 балл
 - саволнинг моҳияти умумий очилган асосий фактлар тўғри баён этилган бўлса – 7,1-8,4 балл
 - саволга умумий тарзда жавоб берилган, аммо айрим камчиликлари бўлса, саволга умумий жавоб берилган, аммо айрим фактлар тўлиқ ёритилмаган бўлса, саволга жавоб беришга ҳаракат қилинган, аммо чалкашликлар бўлса – 5,5-7,0 балл берилади.
- 2.2. Талабанинг мустақил ишини тадқиқ қилишга бағишланган бўлиб, берилган мавзу бўйича реферат тайёрланади:
 - рефератда мавзу тўлиқ очилган, тўғри хулоса чиқарилган ва ижодий фикрлари бўлса - 3,6-4 балл
 - мавзу моҳияти очилган, фақат хулосаси бор - 3,1-3,5 балл
 - мавзу моҳияти ёритилган, аммо айрим камчиликлари бор бўлса - 2,5-3 балл берилади.
- 3.1. Якуний баҳолашда талаба 3 та саволга ёзма ёки 30 та тест саволига жавоб бериши лозим.
 - ҳар бир ёзма саволга 10 балл ажратилади.
 - агар савол моҳияти тўла очилган бўлиб, мавзу бўйича талабанинг танқидий нуқтаи назари баён қилинган бўлса - 9,5-10 балл
 - саволнинг моҳияти тўла очилган, асосий фактлар тўғри баён қилган бўлса - 9,1- 9,4 балл
 - саволга тўғри жавоб берилган, лекин айрим камчиликлари бор бўлса - 8,1- 9 балл
 - берилган саволда жавоблар умумий ва камчиликлар кўпроқ бўлса - 7,6- 8 балл берилади
 - тест саволининг ҳар бири 1 баллик тизимида баҳоланади.

Талабалар мустақил иши бўйича консультациялар ташкил этиш тартиби

1. Талабалар мустақил иши (ТМИ) бўйича консультация дарси аудиториядан ташқарида амалга оширишга мўлжалланган мустақил ишларни бажариш юзасидан тегишли йўлланмалар бериш ва уни бажарилишини назорат қилиб бориш мақсадида ташкил қилинади.

2. ТМИ бўйича консультация дарси фаннинг календар-тематик режасига мувофиқ ўтказилади.

3. Консультация дарси тегишли фан ўқитувчиси томонидан ўтказилади.

4. Фан ўқитувчиси консультация дарсида қуйидаги ишларни амалга оширади:

ТМИ топшириқларини бажариш юзасидан тегишли йўлланма беради; топшириқни бажариш режасини тузишга ёрдамлашади;

тегишли адабиётлар ва ахборот манбаларини тавсия қилади;

ТМИ юзасидан тайёрланган ишланма, ҳисобот, реферат, эскизлар чизиш ва топшириқ натижаларини қабул қилади ҳамда баҳолайди.

5. ТМИ бўйича консультациялар ўқув жараёнининг 1 ёки 2 сменада ташкил этилишига қараб талабаларнинг дарсдан бўш вақтларида дарс жадвалига киритилади.

Хафта кунлари	Жуфт-лик	Фан номи	Аудитория	Машғулоти тури	Ўқитувчининг Ф.И.Ш.
Душанба	1				
	2				
	3				
	4		505	Маслахат	

6. ТМИ бўйича консультация дарслари ўқитувчи журналида қайд этиб борилади.

